

Xudoyqulov To'liqin Do'stoboyevich
tarix fanlari doktori (DSc), professor
Shahrisabz davlat pedagogika instituti
xudoyqulovtulqin@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲАРБИЙЛАР ИЕРАРХИЯСИ: ИЛМИЙ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАР

Аннотация:

Ушбу мақолада Бухоро амирлигидаги ҳарбий тизимнинг иерархик тузилиши, сарбоз, гуломбача, элнавар, амирлашкар ва бошқа лавозимларнинг вазифалари ҳамда жамиятдаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Манбалар ва архив ҳужжатлари асосида ҳарбий тузилманинг босқичма-босқич шаклланиши, унинг сиёсий ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ жиҳатлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, Бухоро амирлиги ҳарбий иерархияси Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, жумладан Хива ва Қўқон хонликларининг ҳарбий тизими билан қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари амирликдаги ҳарбий бошқарувнинг давлат барқарорлиги ва ҳимоя тизимида тутган ўрнини ёритиб беради.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, ҳарбий иерархия, сарбоз, элнавар, гуломбача, амирлашкар, ҳарбий ислоҳот, қиёсий таҳлил.

ИЕРАРХИЯ ВОЕННЫХ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ: НАУЧНЫЙ СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

Аннотация: В статье рассматривается иерархическая структура военной системы Бухарского эмирата, анализируются функции и социальное положение таких категорий воинов, как сарбозы, гуломбача, элнавары и амирлашкары. На основе архивных документов и исторических источников показаны этапы формирования военной организации, а также влияние политических и социальных факторов на её развитие. Проведено сравнительное исследование военной иерархии Бухары с аналогичными структурами Хивинского и Кокандского ханств. Результаты исследования позволяют глубже понять роль военной администрации в обеспечении стабильности и обороноспособности эмирата.

Ключевые слова: Бухарский эмират, военная иерархия, сарбоз, элнавар, гуломбача, амирлашкар, военная реформа, сравнительный анализ.

THE MILITARY HIERARCHY IN THE BUKHARA EMIRATE: A SCHOLARLY COMPARATIVE ANALYSIS

Abstract: This article explores the hierarchical structure of the military system in the Bukhara Emirate, analyzing the roles and social status of various military groups such as sarbaz, ghulombachcha, elnavkar, and amirlashkar. Based on archival documents and historical sources, the study outlines the stages of military organization and examines the political and social factors influencing its development. A comparative analysis with the military hierarchies of the Khiva and Kokand Khanates is also provided. The findings highlight the significance of the military administration in maintaining the Emirate's political stability and defense capability.

Keywords: Bukhara Emirate, military hierarchy, sarbaz, elnavkar, ghulombachcha, amirlashkar, military reform, comparative analysis.

Долзарблиги. Давлатчилик тарихи нуктаи назаридан ҳарбий иш давлатнинг ажр

алмас бўғини ҳисобланади. Марказий Осиё тарихида ҳарбий соҳа доим ҳукмдорлар диққат марказида бўлган. Улар ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланган ҳарбий кучларга таяниб иш кўрганлар. Асрлар давомида бу кучларни бошқаришнинг муайян тизими, унинг турли бўғинлари шаклланиб борган. Уларга мос равишда давлат ҳарбий қудратини сақлаш учун масъул этилган шахсларга бериладиган мансаблар кўлами ҳам аниқланиб борган. Асрлар давомида шаклланган бу тизим ўзининг асосий хусусиятларини XVIII – XX аср биринчи ярмида ҳам сақлаб қолган.

Дунё тарихшунослигида маълум минтақалар давлатчилигидаги марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши, маҳаллий-маъмурий бошқарувдаги куйи ва юқори идоралар, давлат бошқарувдаги ҳарбий унвон ва мансаблар, диний ташкилотлар бошқаруви каби масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари географиясининг кенгайиши туфайли Россия, Хитой, Япония, АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларининг етакчи мутахассис олимлари томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги давлат бошқарувини мавжуд илмий қарашлар, манбалар маълумотлар, асосий ёндошувлар динамикаси, қиёсий таҳлил ҳамда умумлаштириш ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзунинг таҳлил қилиш жараёнида куйидаги **методларга** таяниш мумкин.

1. Тарихий-таҳлилий метод. Бу усул орқали ҳарбийлар фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрни ва вазифалари аниқланди.

2. Манбашунослик ва тарихий солиштирма усули. Тадқиқотда ҳарбийлар фаолиятига оид асосий манбалар – қонун ва фармонлар, қози ҳужжатлари, шариат қоидаларига оид асарлар ҳамда рус ва маҳаллий муаллифлар томонидан ёзилган тарихий ёдгорликлар таҳлил қилинди. Хонликлар ўртасидаги ҳуқуқий тизимлар фарқлари ва умумий жиҳатларини аниқлаш учун солиштирма таҳлил усули қўлланилди.

3. Тарихий-қонуний таҳлил усули. Ҳарбийлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар, ислом ҳуқуқи (фикҳ) ва урф-одат нормалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси бўйича бу даврда тадқиқотлар олиб борган рус тарихчилари орасида Е.Т.Смирнов ва Н.И.Веселовскийларнинг ишлари ўзига хос ўрин тутди. Уларнинг ҳар иккиси подшо Россиясининг Марказий Осиё хонликларини босиб олиши тарихини маҳаллий тарихчилар асарларини ҳам ўрганган ҳолда ёритишга катта эътибор берадилар.

Н.И.Веселовскийнинг “Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае” номли асари маҳаллий тарихчи Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг “Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269 – 1282 саналарда қилгон футухотлари” асари асосида ёзилган ва рус тилига таржима қилиб, айрим воқеалар муаллиф томонидан таҳлил этилган. Ушбу асар Қўқон хонлигининг подшо Россиясига қарши 1853 йилдан 1865 йилларгача олиб борган курашлари ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олиш билан бирга Мулло Алиқули Амирлашкар ҳаёти ва фаолиятига ҳам кенг тўхталиб ўтилган.

Совет даври тарихшунослиги даврида В.В.Бартольд, И.П.Петрушевский, М.С.Иванов, Я.Ф.Ғуломов, П.П.Иванов, М.Р. Арунова ва К.З.Ашрафян, К.М.Муниров, О.Э.Эфендиев, А.Ф.Файзиев, [2:С.56-67] А.Ф.Калужин, А.Баймурзин, Г.А.Пляшко, А.Попов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ва тарих китобларида ўзбек хонликларининг тарихи ва подшо Россияси томонидан унинг мустамлакага айлантирилиши масалалари қисман аввалги давр тадқиқотлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, яъни воқеаларни манбалар ва архив ҳужжатлари асосида деярли объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлар.

Тарихшунослик масалаларининг бу босқичидаги тарихий тадқиқотлар орасида Ҳ.З.Зияев, Х.Ш.Иноятов, Р.Н.Набиев, А.Попов, Н.А.Халфин каби тадқиқотчиларнинг асарлари алоҳида ўрин тутди.

Тадқиқот натижалари:

Бухоро амирлигида манғитлар сулоласи давлатни идора қилгунига қадар аштархонийлар давлат бошқарувидаги ҳарбий тизим (жумладан, ҳарбийлар иерархияси) шайбонийлар даври ҳарбий тизимини ўзида мужассам этар эди. Лекин, мамлакатнинг ҳарбий ҳолати аштархонийлар даврига келиб кучсизланиб қолган. Хусусан, давлатнинг мунтазам қўшини бўлмаган. Фақатгина сарой сарбозларигина бўлганки, улар хонни, сарой ва унинг аҳлини турли халқ қўзғолонларидан ҳимоя қилган. Зарурат туғилиб қолганда қўшин аҳоли таркибидан йиғма шакллантирилган. Лекин Шайбонийлар давлатидаги каби ҳарбий мансаб ва унвонлар сақланиб қолганки, улар нуфузи жиҳатидан сарой амалдорларига тенглаштирилган.

Бухоро амирлиги бошқарувидаги унвон ва мансаблар иерархиясига тавсиф бериб ўтадиган бўлсак, уларни тўла ҳолда келтиришдан мақсад ҳарбий унвон ва мансаблар билан маъмурий бошқарув мансабларининг кўпгина ҳолларда қўшилиб кетганлигини кўрамыз.

Ҳарбий унвонларни куйидан юқорига санаб ўтадиган бўлсак, бу ҳол куйидагича кўриниш олади: 1. Чехраоғаси. 2. Жибачи. 3. Мирзабоши. 4. Қоровулбеги. 5. Мирохур. 6. Тўқсабо. 7. Эшикоғабоши. 8. Бий. 9. Додхоҳ. 10. Иноқ. 11. Парвоначи. 12. Қўшбеги. 13. Оталиқ [4: С.239].

Амир Олимхон даврига келиб, Бухоро армияси бошида тўпчибоши туриб у асосан додхоҳ даражасидаги мансабдорлардан тайинланган. Тўпчибоши концелярияси 10 кишидан иборат мирзабоши, бий амалидаги ясовулбоши, турли хил унвондаги ясовуллар, курул - яроғ омбори учун масъул шахслар ва бир неча шахсий хизматкорлардан иборат бўлган. Тўпчибоши амали 2 хил бўлиб биринчиси, “Тўпчибоши аскар”, иккинчиси “Тўпчибоши дарвоза” (арк тўпчибошиси), яъни арк ичидаги хавфсизликка жавобгар шахсдир [3:С. 68.]

XVIII аср охири – XIX аср бошларига келиб “даста” деб ном олган юзлик юз нафар ҳарбий хизматда бўлган. XIX асрнинг II ярмидан бошлаб эса 200 нафар аскардан иборатлигини ҳам кўрамыз. “Садбоши”, яъни юзбоши, 50 нафардан иборат “нимдаста” деб номланган ҳарбий бўлинма бошлиғи панжохбоши, яъни элликбоши, 25 кишилик (взвод) “расад” деб номланган, 12 – 13 кишилик (баъзан 10 кишилик) бўлинма бошлиғи дахбоши (ўнбоши) дея юритилиб келинган. Юзбоши мансабидан сўнг унинг ёрдамчиси сифатида қоровулбеги амалидаги ҳарбий турган [7: С.213].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё хонликларида давлат бошқарув органлари ва уларнинг тузилиши, функциялари яхши ўрганилмаганлиги учун мансабдор шахсларнинг номларини билдирувчи атамалар тарихчилар учун қийинчилик туғдирмоқда. Масалан: - Додхоҳ “судья”ни, “Оталиқ”нинг Бухорода мансаб жиҳатдан амирдан кейин иккинчи шахс ва “шаҳар ҳокими” сифатида айтилгани нотўғри. Марказий Осиёда ҳеч қачон шаҳар ҳокими “оталиқ” деб аталмаган. “Иноқ” эса ўзбек қабиласи бошлиғининг номи бўлмаган [5:С.137].

Бухоро амирлигида олий ҳарбий унвон, қўшбегидан кейинги ўринда турувчи шахс, кейинчалик девонбегидан сўнг оталиқ; Хива хонлигида – катта иноқ Ғарбий Европадаги майор унвонига тўғри келади. Марказий Осиёда ўзбек қабилаларининг бошлиқлари иноқ деб аталмаган.

Марказий Осиё хонликларининг давлат тузилишини аниқ тасаввур қилиш, яъни билиш учун тарихий манба ва ҳужжатларга асосланиб ҳар бир лавозимнинг мажбурият ва вазифаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ана шу аснода қуйи мансабдан бошлаб ҳарбийларга таъриф бериб ўтамыз:

Чехраоғаси – амир томонидан ёрликка эга бўлган биринчи ҳарбий мансабдор бўлиб бу лавозимдаги кишининг вазифаси ўзанидор ва жиловдорлар орасида мухтасиб вазифасини бажаришдан иборат бўлган.

Жибачи – амирликда жиба ясовчиликдан юқори мартабага эришган ҳам ҳарбий, ҳамда сарой амалдори.

Мирзабоши – амирликнинг барча бошқарув тизимида мавжуд бўлган мансаб эгаси ҳисобланиб, бундай мансаб эгасига табиийки, ҳарбийлар ичида ҳам эҳтиёж бўлган.

Қоровулбеги – қоровуллар посбон ва соқчилар бошлиғи.

Мирохур – ушбу мансаб эгаси амирликда дастлаб амир отларига ем, хашак, сомон ва беда етказиб берувчи амалдор ҳисобланган.

Тўқсабо – ушбу амал эгаси амир дастурхони устига идиш-товоқларни тартиб билан қуйиб, амирга шарбат, айрон ва яхоб қуйиб берган.

Эшикоғабоши – сарой дарвозаларини кўриқлаш ишларини бошқарган.

Бий – асосан сарой амалдори ҳисоблансада бу мансаб эгалари додхоҳ билан биргаликда ҳарбий юришлар чоғида юқори нуфузга эга шахс саналган.

Додхоҳ – амирликда халқ дарди, фикрини эшитиб, амирга хабар берувчи мансаб эгаси.

Иноқ – ушбу мансаб эгаси Катта иноқ, Кичик иноқ, яъни иккинчи даражада бўлиб, Катта иноқ умаро, шогирдпешалар ва бошқаларга амир суҳбатига мушарраф бўлган ёки бўлмаганлари ҳақида хабар бериб турган.

Парвоначи – амир фармонида биноан унинг ёрликларини умаро ва зодагонларга (қапалакдек бориб келиб) етказар эди. Арабхона жамоасининг раҳбарлиги ҳам унинг зиммасида бўлган.

Қўшбеги – Бухоро вазирларининг энг улуғи ҳисобланган. Қўшбеги бу қўш, ҳарбий ставка, лагернинг қўмондони.

Юқорида баён этилганлардан ташқари оралиқ ва қуйи ҳарбий амал, унвон ва мансабла ҳам мавжуд эди.

Тунқатор – Мирзабоши ва жибачи оралиғидаги ҳарбий мансаб эгаси ҳисобланиб, саройда дарвоза олдида турадиган қоровуллар ва махсус дарвозабонлардан ташқари хонни кўриқлайдиган тунқаторлар ёки тунотарлар, яъни кечаси билан ухламай чиқадиган кишилар бўлган. Ҳарбий юришлар вақтида амирдан ташқари катта мансаб эгаларининг тунқаторлари бўлган. Тунқатор Қўқон хонлигида 6-даражадаги ҳарбий мансабдор ҳисобланган.

Қурчи – чехраоғаси даражасидаги амал эгаси ҳисобланиб, қурол - аслаҳа, ўқ - дори учун жавобгар шахс ҳисобланган.

Удайчи – уруш ва юришлар вақтида навкарларнинг саф тортишини тартибга солар, нақиб маслаҳати билан саройни мулозим ҳамда хизматкорлар билан таъминлар эди.

“Мажмаъ ал-арқом” маълумотларига қараганда, энг олий диний мансаб қозилар амали бўлган. Улардан олий даражада шайх ул-ислом унвони, қози ул-қузот, учинчи қозиаскар ва тўртинчиси вилоят қозиси ҳисобланган. Бизга тегишли бўлган учинчи даражали қозиаскар асосан ҳарбий кишилар устидан ҳукм чиқариш, суд қилиш ишларини бажарган.

Бухоро шаҳридаги Мирараб мадрасасида қозиаскар лавозими учун ўқитилган, бироқ қозиаскар, муфтий аскарларнинг ўқитилиши билан қолган касб учун ўқитиладиган дарс машғулотилари бир хилда олиб борилган. Шунинг учун уларни ҳарбий соҳа мутахассислари дея олмаймиз, қолаверса, барча толиби илмлар сингари улар ҳам шариат илмлари асосида ўқитилиб, бу эскирган ўқитишлар услубидан янгича дунёвий фан, техника ва ҳоказоларнинг бўлиши кузатилмас ҳолда эди.

Шу мартабанинг иккинчи поғонасида муфтийлар турган. Унинг юқори даражаси аълам унвони бўлиб, унинг соҳиби юриш ва лашкар тортишлар вақтида фатво берар эди. 1842 йил амир Насруллоҳон (1826 – 1860) аълам ва муфти аскар фатволарини олиб Қўқон хонлигига қарши юриш қилган [1: 249-варақ] қозиаскар ва муфтий аскар у ёки бу вилоятга борганда шу вилоятдаги бу касб эгалари ваколати ҳеч қандай кўрсатмасиз тугайди, чунки бу қонунда кўрсатилган [5:С.137].

Бухоро амирлигидаги ҳарбий унвон ва мансаб эгалари номланишида, хизмат вазифаларида ва бошқа кўплаб жиҳатлари билан ўша даврда мавжуд бўлган бошқа хонликларникидан фарқ қилган [3: Б. 37-42]. Хусусан, бу ҳол Қўқон хонлиги билан таққосланганда қуйидагича кўриниш олган (унвон ва мансаблар иерархияси юқоридан қуйи томон тавсифлаб ўтилади).

Амирилашкар ёки мингбоши – мўғуллар истилоси давридан мавжуд (уларда – тимчи) минг нафар аскарнинг бошлиғи. Маъмур сифатида минг нафар отлик аскар берадиган мулкнинг ҳокими. Ҳарбий юришлар вақтида қўшинни бошқариб, лашкарбоши унвонини олган.

Ботирбоши – ботир ва баҳодирлар бошлиғи. 500 нафардан кўп даста ёки тўпга бошчилик қиларди. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва қўшин ишларига масъул эди.

Қўшбеги – ҳарбий қўшиннинг бошлиғи. Юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбошилик унвонини олишга даъво қилган.

Воли (ноиб, муовин) – вилоят ва туманларда хоннинг ўринбосари. Вилоятларда лашкар унга итоат этар эди ва вилоятнинг ҳарбий ва маъмурий ишларига бошчилик қиларди.

Қалъабон (кутвол) - Қўқон хонлигининг чегараларида жойлашган қалъа ва истеҳкомларнинг ҳокими бўлиб, шу туманларнинг ҳарбий, маъмурий, хирож ва бож олиш ишларига, чегарани муҳофаза қилиш ишларига жавоб берарди. Ҳарбий мақсадга кўра қалъабон вазифасига додхоҳдан қўшбегигача бўлган шахслар тайинланган. Лекин, маҳаллий манбалар таҳлилларига қараганда, баъзан хон номақбул кишини ўзидан четлатиш учун ҳам узоқдаги қалъаларга уларни ҳоким қилиб юборарди.

Қўрбоши – қўрхона, яъни қурол аслаҳа, яроқ, тўп ясаш ишхоналарининг бошлиғи. Хон ва мингбошига итоат қилган. Худоёрхоннинг сўнгги хонлик даврида (1866 – 1875) қўрбоши қўрхона, милтиқхона, тўпхона (ишхонаи тўпхона)ларга бошчилик қилиб, хомашё топиб келишдан тортиб, то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан, тарқатиб бериш жараёнигача жавобгар эди.

Ёвар – соқчиларнинг бошлиғи. Дастаси юз нафар аскардан иборат эди. Ёвар ўз дастаси ёки тубининг ҳисоб-китоби, йиллик харажатини аскарлари учун хазинадан олиб берар эди. Ёварлар хон девонининг ҳужжатларида ғаллагир (ғалла олувчи), жавгир (буғдой олувчи) ва сарпо олувчи сифатида қайд қилинган. Баъзан ёвар бирор ариқ (жўй) ёки анхорга ҳам соҳиб бўлиб, хизмати учун “миробона” ҳақ олган. Баъзи ҳужжатларда ёвар тўпчилар дастасининг бошлиғи ҳамда қурол ясовчилар устахонасининг сардори сифатида тасвирланган.

Тўпчибоши – тўпчилар бошлиғи.

Тўқсабо – ўзларининг туғига эга бўлган ҳарбий дастанинг бошлиғи. Бухорода VII даражали мансабдор.

Понсадбоши – беш юз нафар аскардан иборат гуруҳнинг бошлиғи.

Юзбоши – юз кишилиқ дастанинг бошлиғи.

Паншоҳбоши – эллик нафарлик саркарданиннг бошлиғи.

Дахбоши (ўнбоши) – ўн нафарлик жангий дастанинг сардори.

Қоровулбеги - соқчилар ва қоровуллар бошлиғи.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Марказий Осиё давлатларининг ҳарбий ҳокимиятида ҳарбий унвон ва мансаблар, улар эгаларининг вазифаси (шунингдек иерархияси) масаласига доир қуйидаги фикрларни тақдим этишимиз мумкин.

– Марказий Осиё хонликларидаги ҳокимият тузилиши, давлат бошқарув тизими хонликларнинг айрим сулоалари даврида такомиллашган бўлса, баъзида сусайиб кетган. Жамиятнинг барча соҳалари марказлашган бошқарув тизимига бўйсундирилиб, давлат бошқаруви олий ҳукмдорнинг чекланмаган ҳукмронлиги қўлида остида мужассамлашди;

ҳарбий унвон ва мансаб эгалари ва уларнинг вазифалари, фаолияти маълум маънода XIX аср охирларидан бошлаб замонавий тартибга ўта бошлади;

Бироқ, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар бир ёқлама амалга оширилиб масаланинг салбий томонлари ундан-да устунроқ турарди. Хусусан, барча соҳалар сингари ҳарбий соҳада ҳам амал ва мансабларга тайинлашда кўпроқ иқтидор ва қобилиятга қараб эмас, балки насл-насабга, бойлигига, ўрта асрчилик сарқитлари ҳисобланган уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик анъаналарига эътибор берилган;

хатто, XIX аср бошларида ўзбек хонликларида бирорта ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган на бошланғич, на ўрта ва на олий таълим тизими мавжуд эмас эди. Бу ўринда

- 42 Д. Н. Логофетнинг мирохурни – капитанга, тўқсабони подполковникка, додхоҳни – генерал-майорга, иноқни-генерал лейтенантга тенглаштириши ҳам ачинарли ҳол эди. Фақатгина манғитлар сулоласи ташкил топган даврда (XVIII асрнинг II ярмида) биргина артиллерия соҳасида Россияда, Михайловскийда, Петербургдаги Константиновский номли артиллерия билим юртлари, Москвада артиллерия техника мактаби, Михайловскийда артиллерия академияси, Офицерлар олий артиллерия мактаблари фаолият кўрсата бошлаганига анча вақт бўлган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аваз Муҳаммад аттор Хукандий. “Тарихи жахонномай” қўлёзма 2 жилд. Ўз Фа Ши № 9455, 249 варак.
2. Андреев М.С, Чехович. Арк Бухары. – С. 68.
3. Воҳидов Ш., Сабурова С. Хива хонлигида амал ва унвонлар ва уларнинг вазифалари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1998, 10, 11- сон, 37 – 42- бетлар.
4. Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. т. 1. – С. 239.
5. Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средне вековой Бухаре. – С. 137.
6. Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах изваниях и об обязанностях их носителей в средневуковой Бухаре. Советское востоковедение. Т. V. 1948. – С. 140.
7. Троицкая. А. Л. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. – С. 213.